

ТАЛАБАЛАРДА РОССИЯ БАДИИЙ ҚАДРИЯТЛАРИГА ҚИЗИҚИШ УЙЎОТИШ

МИРКОМИЛОВ Б.М Проф. в.б. ЖДПИ

АННОТАЦИЯ. Мақолада 16-18 асрларда Россияда яшаб ўтган рус санъатининг йирик вакиллари А.Ф.Зубов, М.М.Махаев, Ф.С.Рокотов, В.Т.Боровиковский, И.Голицина ва бошқаларнинг тасвирий санъат, меъморчилик, ҳайкалтарошлик ва рангтасвирга бағишланган асарларини ўрганиш орқали талабаларда Россия бадий қадриятларига, жумладан, жаҳон бадий қадриятларига қизиқиш уйғотиш масалалари илгарига сурилган.

Қадимги Россия тасвирий санъати, меъморчилиги, ҳайкалтарошлиги, рангтасвири, (бадий қадриятлари тарихи) шарқий Европада биринчи феодал давлат –Киев Русини ташкил этилишидан бошлаб, император Пётр 1 ислохотларига қадар бўлган давр санъатини ўз ичига олади.¹

Асрлар давомида ривожланган халқнинг ушбу бадий қадриятлари жаҳон маданиятида сезиларли из қолдириб, унинг бойишига ўз ҳиссасини қўшди. Бадий қадриятлар – бу санъатнинг барҳаёт мероси ҳисобланиб, асрлар давомида тан олиб келинаётган мукамал асарлардир. Бу санъат тарихида юксак бадий намуналар бўлиб, унинг мазмунида “гўзаллик қонунлари бўйича” акс эттирилган ва қайта тасвирланган, рассомнинг нуқтаи-назаридан фалсафий ғоялар акс этилади. Шунинг учун ҳам санъат, айниқса, рассомчилик санъатининг нодир асарлари бадий қадриятларнинг олий тоифасига киради. Санъат асарининг ажралиб турадиган хусусиятлари: мазмуннинг чуқурлиги, унинг яқунланганлиги, мазмуннинг катталиги ва янгилиги; ҳаётни акс эттириш нуқтаи назари, унинг самимийлиги ва ҳаққонийлиги; ғоявий аҳамияти; эстетикаси, эстетик ғояларга мослиги; бадий ҳақиқатнинг юксак даражаси, гўзаллик, унинг яхлит тасвирланиши, индивидуал такрорланмаслиги; нодирлиги, ўзига хослиги, ноёблиги, ягоналиги; рассом ижтимоий ҳаракатнинг ривожланиши, моҳияти, унинг

¹ Н.Абдуллаев. Жаҳон санъати тарихи. Тошкент,2007 йил. 79-бет

вакиллари, тарихий жараёнларнинг кўра билиши; шакл ва мазмуннинг яхлитлиги, уларнинг уйғунлиги кабилардир.

Талабаларда жаҳон бадий қадриятларига қизиқишни шакллантиришда жаҳон бадий мероси ҳисобланган чуқур мазмунли, юксак бадий, эстетик имкониятга эга асарлардан фойдаланиш керак бўлади.

Талабаларга жаҳон тарихини ўқитишда, санъат асарларини ўргатишда Россияда ХҮІ-ХҮІІІ асрларда яшаб ўтган, гравюра санъатининг йирик вакиллари А.Ф.Зубов (тах. 1662/1663-1749) ва М.И.Махаев (1716-1770) лар ижодига эътибор қаратиш мумкин. Улар ўз гравюраларида янги пойтахт Петербург кўринишларини, унинг меъморчилик мажмуалари гўзаллигини ифодаладилар. Бу санъаткорлар замондошлар портретлари, жанг майдонлари манзаралари гравюралари, диний расмлар, ҳаётий лавҳаларни ҳам яратдилар Россияда ХҮІІІ аср бошларида рангтасвир санъатида портрет жанри етакчи ўринга чиқди. Давлат ва саноат кархоналарининг ўсиши, маданиятнинг ривожланиши ақлли, зийрак, ишбилармон одамларни бир жойга жамлашни талаб қилди. Жамиятнинг шахсга бўлган бу муносабати портрет санъатининг олдинги планга олиб чиқди. Рассомлар Андрей Матвеев (1701-1739) ва Иван Никитин (1660-1724) портрет санъати техникасини чуқур эгаллаб, уни миллий ўзига хос бўлган рух билан суғордилар. Унинг машҳур асарларидан; “Гетман портрети”, “Айлана ичига ишланган Пётр I портрети”, ҳамда сўнги даврда ишланган “Ўлим тўшагида ётган Пётр I портретлари” ана шу даврда яратилган ижод маҳсуллари ҳисобланади. “Айлана ичига ишланган Пётр I портрети”нинг композицияси содда, унда Пётр I нинг боши ва елкаси қисман кўрсатилган. Нур подшо юзи ва ўткинчига қараб турган ўткир кўз қараши ёритилган. Бу билан рассом тамошабин учун тасвирланувчининг кайфиятини тушунишга имконият яратди. Рассом Пётрнинг ҳорғин, лекин ўткир қараши, бошини мағрур тутишида унинг йирик ислохотчига хос қиёфасини ярата олган. Асар колорити асосан илиқ ранглардан ташкил топган. Бу унинг таъсирчанлигини белгилашда муҳим ўрин тутди. (Иван Никитиннинг Ўзбекистон Давлат Санъат музейида асарларининг нусхалари мавжуд.)

ХУШ аср иккинчи ярмида Россияда портрет санъатида ҳам жуда катта ютуқлар қўлга киритилди. Бу даврда яшаб ижод этган йирик рассомлар: Ф.С.Рокотовнинг (тах.1735-1806) “В.Н.Суровцев”, “Новоцельсова портретлари”, Д.М.Левискийнинг (1735-1822), “М.Лвово”, И.Голицина”, М.Дякова” портретлари, В.Л.Боровиковскийнинг (1757-1825), “М.Л.Лопухина”, “А.И.Безбородка ўз кизлари билан” каби замондошларининг ажойиб портретларини яратдилар. Улар яратган асарларда олийжаноблик, самимийлик улуғланди, ёшлик, гўзаллик куйланди. Бу асарларда инсон ва табиат уйғунлиги таъсирчан ифода қилинди. Боровиковский, Рокотов, Левиский асарлари билан ХУШ аср охири портрет санъатини юксакликка кўтарди. (Ўзбекистон санъат музейида бу ажойиб инсонларнинг қатор ишлари намойиш этилган.)

ХУШ аср Россия санъатида маиший жанрларда ҳам сезиларли жонланишни кузатамиз. Қатор рассомлар оддий халқ ҳаётига мурожаат қилиб, уларнинг оғир ва машақатли ҳаётини акс эттирдилар. Иван Фирсовнинг “Ёш рассом “ деб номланган² асари шундай дастлабки машҳур асарлардандир. Россия Бадиий Академиясида манзара жанри бўйича рассомлар тайёрлайдиган синфнинг ташкил этилиши эса бу жанр ривож учун муҳим бўлди. Рассомлар шаҳар меъморий мажмуалари, шаҳарлардан ташқаридаги боғлар ва парклар манзараларини ишладилар. Бу тасвирларда рассомларнинг она Ватанига бўлган самимий муҳаббати ўз ифодасини топди. Айниқса, Петербург ва унинг кўриниши кўпгина рассомлар тамонидан севиб ишланди. Шундай жанрда севиб ижод қилган Семён Фёдорович Шедрин (1745-1804) “Павловск, Гатчина, Питергоф” кўринишларини, парк меъморчилигининг ўзига хос жиҳатларини зўр қизиқиш билан тасвирлаган бўлса, Фёдор Яковлович Алексеев (1753-1824) Москва, Воронеж, Херсон шаҳарларига атаб кўпгина расмлар яратди. Унинг Петербург саройлари, майдон ва кўчалари тасвирланган суратлари ўзининг ҳаётийлиги ва чуқур лиризми билан ажралиб туради. Шу йилларда Россияда

² Қаранг. Н.Абдуллаев, Жаҳон санъати тарихи, 162-бет.

хайкалторошлик соҳасида бир қатор етук портрет ва декоратив ҳайкаллар ишлаган машҳур рус ҳайкалторошлари етишиб чиқдилар. Бу борада биз Ф.И.Шубин, Ф.Г.Гордеев, М.И.Козловский, И.П.Прокофев, Ф.Ф.Шедрин, И.Ф.Мартос ва бошқалар номини ҳурмат билан тилга оламиз. ХУШ асрнинг иккинчи ярмида портрет, декоратив ва декоратив монументал ҳайкалтарошликда машҳур асарлар яратилди. Шундай ёдгорликлардан бири Петербургдаги Сенат майдонида 1782 йили Пётр 1 га атаб ўрнатилган ҳайкалдир. Француз ҳайкалтороши Е.М.Фалконе (1716-1781) тамонидан ишланган бу ёдгорлик ўша давр рус бадиий ҳаётида муҳим воқеа бўлган. “Мис чавандоз” деб ном олган бу ҳайкалда³ санъаткор ўз таъбири билан айтганда, “ҳар қандай қийинчиликларни енга оладиган қаҳрамон “образи ярата олган. Шунини алоҳида таъкидлаш керакки, буюк рассомлар асарлари нафақат эмоционал таъсир кўрсатиши, ҳаяжонлар уйғотиши, эстетик мулоҳаза, бадиий англаш фикрлашга чорлаши, эмоционал, маънавий бойитиши, балки эстетик, маънавий, ахлоқий муҳим ўрин тутган. Шахс катта кувонч бағишлаган эстетик кечинмаларга чорлаган.

Рассомларнинг асари бадиий қадриятнинг муҳим белгиси сифатида жамият эстетик ғоясини ўзида ҳиссий шаклда гавдалантиришда муҳим ўрин тутди.⁴

Талабалар ушбу асарларни ўрганиш асосида унинг мавзуйи, сюжети, ғояси, ижтимоий-иқтисодий хусусиятлари, маънавий ва моддий маданияти, ишлаб чиқариш, турмуш элементлари билан танишадилар. Ҳар бир асар мавзуида материалларнинг маълум тўплами, кўриш бурчаги, муоммолар акс эттирилади. Сюжетда маълум бир ҳодиса, қаҳрамоннинг ҳаёти ва шу қабила кўрсатилади. Бадиий қимматли асарларда буларнинг барчаси нафақат ажойиб, гўзал, балки функционал тасвирланган.⁵

Умумий тарихни ўрганиш давомида жаҳон бадиий қадриятларидан фойдаланиш, албатта, тарихий мазмунда фойдаланиш нафақат жаҳон

³ Н.Абдуллаев. Жаҳон санъати тарихи, 163-бет

⁴ Миркомиллов Б. Талабаларда бадиий қадриятларга қизиқишни шакллантириш. Тошкент, 2010

⁵ Социально-гуманитарные науки в системе образования, Научно-методологический и научно-методический журнал, №4, с. 33-34

тарихини сифатли ўрганишга, балки талабалар- бўлажак мутахассислар шахсини такомиллаштиришга асос бўлади. Эмоцианал билимларни такомиллаштириш, бадий билимларни бойитиш ва кенгайтириш, жаҳон бадий кадриятлари соҳасида шахсий эҳтиёжли қизиқиш, интеллектуал қобилят, юксак бадий қимматли йўналиш, мустақил бадий билим олиш ва ўз билимларини бошқаларга тарқатишда муҳим роль ўйнайди.

Фойдаланилган адабиётлар:

1.Н.Абдуллаев. Жаҳон санъати тарихи. Тошкент “ давр пресс” 2007. 271-бет

2.Б.Миркомиллов. Талабаларда бадий кадриятларга қизиқишни шакллантириш,(Монография).-Т.: “ Фан ва технология”, 2010 , 160 бет.3.Социально-гуманитарные науки в системе образования. Научнометодологический и научно- методический журнал, № 4, 2009, с,33-34

¹ Социально-гуманитарные науки в системе образования, Научно-методологический и научно-методический журнал, №,4, с, 33-34